

Тафриқадан ҳазир бўлиш



11:30 / 21 февраль 954

هُنَّعُ هَلْ لَّا يَضُرُّ رَذِي بَأْنَعِ
هَيْلَعُ هَلْ لَّا يَصِي بَّنْ لَانَعِ
قَرَأَفُ نَمُ «: لَأَقَمُّ لَسَوِ
عَلَخُ دَقَفُ أَرْبِ شَعَامَجُ لَّا
هَقُنُّعُ نَمُ مَالُ سِإِلَاةَ قَبِرِ

Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким жамоатдан бир қарич узоқлашса, бўйнидан Ислом бўйинбоғини ечган бўлади»**, дедилар».

Шарҳ: Бошқача айтиладиган бўлса, бу иборанинг маъноси Исломдан чиқади, деганидир. Шунинг учун мусулмонлар оммасидан четга чиқмаслик лозим.

هَلَلَا يَلَّصَّ يَبْنَلَا نَعُ هُنَعُو
 فِيكَ» : لَأَقَمَّ لَسَوِ هِيَلَع
 يَدَعَبُ نَمُّهُ مَيَّأُو مُتْنَا
 «عِيَفَلَا أَدِهَبَ نَوْرَثُ أَتْسَي
 كَثَعَبُ يَدَّلَاوُ نَذَا : تُلُق
 يَلَعُ يَفِيَسُ غَضَّأُ قَحْلَاب
 يَّتَحِ هِبُ بِرْضَا مُثَّ يِقْتَاع
 يَلَعُ كَلُّدَا أَلَوَا» : لَأَقَمَّ كَأَقْلَا
 يَّتَحُ رُبُّصَتَّ ؟ كَلِّذُو نَمْرِ يَخ
 ثَالثَلَا هِذِهِ يَوْر . «يِنَأَقْلَت
 دُوَادُ وَبَأُ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлар мендан кейин келиб, мана бу ўлжани ўзлариники қилиб оладиган имомларга қандоқ муносабатда бўласизлар?» дедилар. «Сизни ҳақ ила юборган Зот ила қасам, қиличимни елкамга олиб, сизга етишгунимча у билан жанг қилайми?» дедим. У зот: «Сенга бундан ҳам яхши нарсани айтайми?»

Менга етишгунингча сабр қиласан», дедилар».

Ушбу уч ҳадисни Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бундан давлат мол-мулкини ўзиники қилиб олган ҳукмдорларга қарши қурол кўтариб, жанжал қилгандан кўра сабр қилиш афзаллиги келиб чиқади.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرُّ رَمْعَ بَطْحَ و
أَهْيَا لَأَقَفِةً يَبْأَجْلَاب
مُكِي فُتْمُقِي نِي سَانَلَا
يَلَصِ هَلَلَا لُوسَرِ مَأَقَمَك
أَنِي فَمَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلَا
يَبْأَخْصَابُ مُكِي صَوُأُ» لَأَقَفِ
مُتْمُ هَنَوُلَي نِي دَلَا مُت
وَشْفَي مُتْمُ هَنَوُلَي نِي دَلَا
لُجْرَلَا فِلْحَي يَّتَحُ بِدَكَلَا
دَشَي وَفَلْحَتْسِي أَلَو
أَلَا أَدَشَتْسِي أَلَو دِهَاشَلَا

نَاكَ اِلٰهٍ اَزْمَابُ لُجَرِّ نَوْلُخَي
مُكَيْلَعُ ، نَاطِيَّ شِلَا اْمُهَثِلَاث
ةَقْرُفُلَاوُ مُكَايَاوِةَعَا مَجْلَاب
وَهُو دِحْ اَوْلَا عَمَ نَاطِيَّ شِلَا نِإْف
دَارَا نَم . دَعْبَا نِي نُنْثِ اِلَا نَم
مَزَلِي لَفِة نَجْلَاة حُ وُبْحُ ب
هُتَنْ سَحْهُتَرْ سَنَمَ عَا مَجْلَا
مُكَلِّدَفْهُتَيْيَّ سُهُتَءَا سَو
نَمُومُلَا

Умар розияллоҳу анҳу Жобияда хутба қилиб, шундай деди: «Эй одамлар! Мен ҳозир орангизда тургандек, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бизнинг орамизда туриб, шундай деганлар: «Сизларга асҳобларимни, сўнг улардан кейингиларни васият қиламан. Кейин ёлғон тарқайди, ниҳоят, бир кишидан қасам талаб қилинмаса ҳам қасам ичадиган, гувоҳлик талаб қилинмаса ҳам гувоҳлик берадиган замон келади. Огоҳ бўлинглар! Эркак билан (номахрам) аёл холи қолса, учинчилари шайтон бўлади. Жамоатни маҳкам тутинглар, тафриқадан ҳазир бўлинглар. Шайтон ёлғиз киши биландир, у икки кишидан узоқроқ бўлади. Ким жаннатнинг қоқ ўртасини истаса, жамоатни маҳкам тутсин. Ким яхшиликларидан хурсанд бўлса, ёмонликларидан маҳзун бўлса, ана ўша ҳақиқий мўминдир».

Шарҳ: Бу ерда ҳам мусулмонларни динни маҳкам тутган оммадан, жамоадан ажрамасликка тарғиб қилиш бор.

هُلِّلَا يَلَّصَّيْبَنَّ لَلَّيْقَو
نَاكَ نَاتِيَارَا: مَلَّسَو هَيَلَع
انَّقَح انُّوعَنْ مَيُّءَارْمَا انِّيَلَع
لَاقَفْ مُهَّقَح انُّولَّأَسَيَّو
أَمَّنِإَف اُوْعَيَطْأُو اُوْعَمُّسَا
أَمُّمُكِّيَلَعَو اُوَلُّمُّح أَمُّمُهَيَلَع
يُذِمُّرَّتْ لَأَمُّهَأَوْر. «مُتَلُّمُّح

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Тепамизга ҳаққимизни бермайдиган, лекин биздан ҳаққини сўрайдиган амирлар келса нима қилайлик?» дейишди. У зот: «**Қулоқ солиб, итоат қилинглр. Уларга ўзининг гуноҳи, сизларга ўзингизнинг гуноҳингиз**», дедилар».

Иккисини Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Бунда мусулмонлар орасида фитна чиқиб, уларнинг бошига катта мусибатлар тушишига сабаб бўлмаслик кўзда тутилган.

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан